

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Yu22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

БЕКМАТОВА ДИЛНАВОЗ ШАХАБИДИНОВНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА
ЖИНОЙ ТАЪҚИБ ФУНКЦИЯСИНING ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ
ва суд экспертизаси

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации

Content of the abstract of doctoral (PhD) dissertation

Бекматова Дилнавоз Шахабидиновна

Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессида жиноий таъқиб функциясининг шаклланиши ва уни такомиллаштириш3

Бекматова Дилнавоз Шахабидиновна

Формирование и совершенствование функции уголовного преследования в уголовном процессе Республики Узбекистан 23

Bekmatova Dilnavoz Shaxabidinovna

Forming and development of criminal prosecution function in criminal procedure of Republic Uzbekistan.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ45
List of published works

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Yu22.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

БЕКМАТОВА ДИЛНАВОЗ ШАХАБИДИНОВНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА
ЖИНОЙ ТАЪҚИБ ФУНКЦИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-кидирув ҳуқуқ
ва суд экспертизаси

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4. PhD/Үу19 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тулаганова Гулчехра Захитовна,
юридик фанлар доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Пулатов Юрий Сайфиевич,
юридик фанлар доктори, профессор.

Астанов Истам Рустамович,
юридик фанлар доктори, доцент.

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
қошидаги Юристар малакасини ошириш
маркази.**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Үу.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 24 январь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (998971) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (881-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (998971) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил 10 январда тарқатилди.
(2020 йил «10» январдаги 10-рақамли реестр баённомаси).

Н.С.Салаев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, юридик фанлар доктори, профессор в.б.

Б.Т.Мусаев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори (PhD).

Р.Қабулов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари,
юридик фанлар доктори, профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноий таъқибнинг амалга оширилишида қонунийликни таъминлаш ҳамда ушбу жараёнда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш масалалари тобора долзарблашаётган шароитда жиноят процессида жиноий таъқиб функциясини такомиллаштириш, қонун устуворлиги асосида мазкур фаолиятни оқилона амалга ошириш муаммолари муҳим аҳамият касб этмоқда. Статистик маълумотлар жиноятчилик, айнан терроризм жинояти бўйича юқори ўринда турадиган давлатларга Ироқ, Афғонистон, Нигерия, Сурия, Покистон, Яман, Сомали, Ҳиндистон, Туркия, Латвия кабилар киришини кўрсатмоқда¹. БМТнинг маълумотларига кўра, «ер юзида аҳолининг умумий сони 7 млрд.дан ортиқ бўлиб, унинг 1 млрд. 400 млн.ини ёшлар ташкил қилади. Уларнинг 20 фоизи, яъни 280 млн.и жиноий таъқибга учраган»².

Жаҳонда жиноий таъқибни самарали амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишларига алоҳида аҳамият берилмоқда, жумладан, жиноят-судлов ишларини юритишда жиноий таъқиб функциясининг тушунчаси, мақсади, турлари, жиноий таъқибни амалга оширувчи субъектлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жиноий таъқибни амалга оширишда шахс ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниши, бу жараёнда хусусий асосларнинг кенгайтирилиши, прокуратура органларининг мазкур соҳадаги ваколатлари бўйича ҳуқуқ назарияси, қонунчилик ва уни қўллаш амалиётида кузатилаётган айрим камчиликларнинг илмий асосланган ечимларини тадқиқ этиш орқали ушбу соҳадаги сиёсатни мувофиқлаштиришнинг илмий мезонларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда жиноят-процессуал қонунчиликни янада такомиллаштириш, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов, шунингдек жиноят ишини кўриб чиқишда тортишув принципини ва ишни судга қадар юритиш босқичида суд назоратини кучайтириш, жумладан, «Хабеас корпус» институтини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар амалга оширилди, жиноят судлов ишлари амалиётига ярашув институти киритилди, жабрланувчининг аризасига кўра жиноят ишини қўзғатишга доир қонунчилик асослари жорий этилди.

«Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ҳамда уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш, одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик суд иши юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш»³ маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини

¹ <http://www.visasam.ru>.

² <http://www.un.org>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 6. 70-модда.

такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилди. Шу боис жиноят ишларини юритишда шахс ҳуқуқлари асоссиз чекланишига йўл қўймаслик, жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш, жиноий таъқибни амалга ошириш механизмларини тадқиқ қилиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ–4850-сон «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 13 июлдаги ПФ–5482-сон «Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 1994 йил 22 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 2012 йил 25 декабрдаги «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонун ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини муайян даражада таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг 2012–2020 йилларга мўлжалланган «Демократик ва ҳуқуқий жамятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни такомиллаштириш» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жиноят процессида жиноий таъқиб функциясининг шаклланиши ва уни такомиллаштириш масалалари ҳақида жиноят-процессуал ҳуқуқи назарияси соҳасидаги мутахассис ва олимларнинг диққат-эътибори марказида бўлиб келган. Шу ўринда миллий олимлардан Ғ.А.Абдумажидов, З.Ф.Иноғомжонова, Ф.М.Муҳитдинов, Д.М.Миразов, Б.Ҳ.Пўлатов, Ю.С.Пулатов, Й.Рахимов, Г.З.Тўлаганова, У.А.Тухташева, Б.Б.Ҳидоятлов, Б.С.Саломов, Б.Б.Муродов, Н.М.Қўшаев, С.Н.Мамадиев, И.Р.Астанов, С.М.Саҳаддинов ва бошқаларнинг илмий ишларида жиноий таъқибнинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтилган.

МДҲ давлатларида Е.А.Белоусова, Р.Г.Бубнов, Н.Ю.Букша, М.А.Ворончихин, С.В.Горлова, Д.Д.Донской, И.П.Дорноступ, С.В.Илюхина, О.Н.Коршунова, А.Ф.Кучин, А.П.Лобанов, Т.Н.Мухтасипова, Е.Л.Никитин, Н.И.Ревенко, Н.Д.Сухарева, Е.И.Тишковец, А.Г.Халиулин, И.Р.Харченко, В.Е.Шманатова ва бошқалар жиноий таъқиб тушунчаси, вазифаси, муддатлари, жиноий таъқиб субъектларининг ўзаро муносабатлари ва жиноий таъқибнинг бошқа процессуал муаммолари юзасидан тадқиқотлар олиб борган.

Хорижий мамлакатларда жиноий таъқиб, унинг турлари ва субъектлари билан боғлиқ масалалар Р.А.Фаирфакс (R.A.Fairfax), Ф.Фииней (F.Fiiney), М.Рейнолдс (M.Reynolds) (АҚШ), М.Шчонтеих (M.Schochonteih), Х.Альбрехт (Kh.Alubrecht) (ГФР), П.Бурнс (P.Burns), Ф.Кауфман (F.Kaufman) (Канада), Б.Фиори (B.Fiori), А.Трапани (A.Trapani) (Голландия), М.Писани (M.Pisani), Г.Риссио (G.Rissio), Г.Спангхер (G.Spangher) (Италия), М.Бергсмо (M.Bergsmo),

В.Виллиам (W.William) (Норвегия), Й.Ким (Y.Kim) (Жанубий Корея), С.Кесорнсиричароен (S.Kesornsiricharoyen) (Таиланд), Г.Барзиали (G.Barziali) (Исроил), Ж.Мшалили (J.Mshalili) (Кения) ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Лекин шу вақтгача амалдаги жиноят-процессуал қонуни асосида Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессида жиноий таъқиб функциясининг шаклланиши ва уни амалга ошириш тартиб-таомилларини такомиллаштириш муаммолари юзасидан монографик тадқиқот ўтказилмаган. Шу жиҳатдан жиноят процессида жиноий таъқибни амалга ошириш ва унга муқобил институтларни излаш муаммолари ниҳоятда долзарб бўлиб, бу борада чуқур илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилиб «Ўзбекистон Республикасида интернет тармоғида содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш», «Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишнинг инновацион усул ва воситалари» каби илмий тадқиқот лойиҳаларининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессида жиноий таъқиб функциясининг шаклланиши ва уни янада такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жиноий таъқиб функциясининг моҳияти, аҳамияти ва мақсадини тадқиқ этиш;

жиноий таъқиб функциясининг шаклланиш босқичларида ижтимоий-ҳуқуқий, сиёсий-маънавий омилларнинг таъсирини аниқлаш;

жиноий таъқибни амалга оширувчи субъектларни уларнинг ваколатлари асосида таснифлашнинг мезонларини таҳлил этиш;

айрим хорижий мамлакатларда жиноий таъқиб юрителишнинг процессуал асосларини аниқлаш;

жиноий таъқибни амалга оширишдаги хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасини миллий қонунчиликка татбиқ этиш имкониятларини кўриб чиқиш;

жиноий таъқибни амалга ошириш босқичларини тадқиқ этиш;

жиноий таъқибнинг бошланишини белгилаш муаммоларини аниқлаш;

жиноий таъқибни тугатиш асосларини тадқиқ қилиш;

жиноий таъқиб фаолиятини юрителиш шаклларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

жиноий таъқиб юрителишга муқобил институтларни жорий этиш имкониятларини кўриб чиқиш;

жиноий таъқибнинг оммавий ва хусусий-оммавий айблов шаклларида амалга оширилишининг самарали ҳамда зиддиятли жиҳатларини аниқлаш;

жиноят ишларини хусусий ва оммавий-хусусий айблов асосида юрителишнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

жиноий таъқиб функциясини амалга оширувчи органлар фаолиятини

либераллаштириш истиқболларининг йўналишларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессида жиноий таъқиб функциясини амалга ошириш ва уни такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети жиноят процессида жиноий таъқибни амалга оширишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда билишнинг қатор усулларидан, шу жумладан анализ ва синтез, илмий, тарихий, социологик, статистик ва қиёсий-ҳуқуқий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқот ишини тайёрлаш давомида 200 нафар судья, прокурор, терговчи ва адвокатлар ўртасида жиноий таъқиб институтини қўллашдаги мавжуд муаммолар ҳамда ушбу институтни янада такомиллаштириш истиқболларига оид сўровнома ўтказилди. Шунингдек, диссертацияни тайёрлаш жараёнида 2011–2019 йилларга оид 200 та жиноят иши материаллари таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мол-мулкни хатлаш тарзидаги процессуал мажбурлов чораси суриштирувчи ёки терговчининг қарори бўйича ўтказилган ҳолларда прокурор розилигини олиш тартибини жорий этиш зарурлиги асосланган;

тезкор-қидирув тадбирларининг ҳуқуқий мақоми аниқлаштирилиб, улардан далил сифатида фойдаланиш зарурлиги асослаб берилган;

ушлаш чоғида иммунитет ҳуқуқидан фойдаланувчи шахслар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини киритиш зарурлиги асосланган;

белгиланган муддат ичида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланганлиги ва жиноят оқибатлари бартараф этилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган бўлса, шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозимлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси:

ички ишлар органларида суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш бўйича суриштирувчи ва терговчининг мажбуриятлари мустақамланган;

ички ишлар органларида суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятига доир ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари аниқ белгиланган;

ички ишлар органларида жиноий таъқибни амалга ошириш чоғида тадбиркорлик субъектларининг хўжалик юритишдаги мустақиллиги принципини инобатга олишнинг ҳуқуқий асослари ўрнатилган;

профилактика инспекторларига ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш учун ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда республика миқёсида бир-бирига ижро этилиши мажбурий бўлган тадбирларни ўтказиш ва маълумот тўплаш бўйича топшириқлар бериш механизми асосланган;

жиноий таъқибни амалга ошириш чоғида ички ишлар органлари ходимлари

томонидан махсус воситаларни қўллаш асослари ва тартиби белгиланган;

жабрланувчининг аризасига биноан кўзғатиладиган хусусий айбловга оид ишлар доирасини янада кенгайтириш мақсадида ЎзР Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасини такомиллаштириш бўйича таклиф жиноят процессининг хусусий айбловга оид асосларини мустаҳкамлаш, жиноят процессида жабрланувчининг ролини янада мустаҳкамлаш ҳамда давлатнинг куч ва ресурсларини тежаш учун асос бўлган;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси жиноий таъқиб функциясини амалга ошириш тартиб-таомилларини такомиллаштириш, ушбу функцияни амалга оширишда жиноят ишлари юритуви иштирокчилари, шу жумладан, жиноий таъқибни тугатиш асосларини аниқлаштириш ва жиноий таъқиб муддатларини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шаклларига асосланган, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялар келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, қонунни қўллаш амалиётида, жиноят процессуал қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда жиноят процессуал ҳуқуқи, криминалистика фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишда хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, қонунни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида жиноят-процессуал ҳуқуқи ва криминалистика фанларини ўқитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Илмий ишнинг натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

мол-мулкни хатлаш тарзидаги процессуал мажбурлов чораси суриштирувчи ёки терговчининг қарори бўйича ўтказилган ҳолларда прокурор розилигини олиш тартибини жорий этиш зарурлиги ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 290-моддаси бешинчи қисмида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2017 йил 24 февралдаги 06-18/182 вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши мамлакатимизда мол-мулкни хатлаш тарзидаги процессуал мажбурлов чораси суриштирувчи ёки терговчининг қарори бўйича ўтказилган

ҳолларда прокурор розилигини олиш тартибини жорий этишга хизмат қилган;

тезкор-қидирув тадбирларининг ҳуқуқий мақоми аниқлаштирилиб, улардан далил сифатида фойдаланиш зарурлиги ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 36, 39, 81, 87, 329, 355-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2017 йил 24 февралдаги 06-18/182 вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши тезкор-қидирув тадбирларининг ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш, улардан далил сифатида фойдаланиш асосларини аниқ акс эттириш механизмларини жорий этишга хизмат қилган;

ушлаш чоғида иммунитет ҳуқуқидан фойдаланувчи шахслар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини киритиш зарурлиги тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 223-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2017 йил 24 февралдаги 06-18/182 вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини ушлаш чоғида иммунитет ҳуқуқидан фойдаланувчи шахслар рўйхатига киритишга хизмат қилган;

белгиланган муддат ичида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланганлиги ва жиноят оқибатлари бартараф этилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши лозимлиги ҳақидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси биринчи қисмининг 8-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2017 йил 24 февралдаги 06-18/182 вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асосларни белгиланган муддат ичида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланганлиги ва жиноят оқибатлари бартараф этилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро, 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижасида олинган хулоса, таклиф ва илмий-амалий тавсиялар муаллиф томонидан чоп этирилган мавзуга оид 48 та илмий ишлар, жумладан, 2 та монография, 1 та илмий рисола, илмий нашрларда 28 та (25 та республика ва 3 та хорижий журналларда) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўққизта параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 138 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Жиноий таъқиб функцияси, унинг шаклланиши ва юридик тавсифи»** деб номланиб, унда жиноят-процессуал функцияси тушунчаси ва турлари аниқланган, жиноий таъқиб функциясининг ижтимоий-ҳуқуқий ва процессуал моҳияти тадқиқ этилган. Жиноят процесси функцияларига оид бир қатор олимларнинг илмий қарашлари таҳлил қилиниб, жиноят процессида функция тушунчасига: «жиноят процессида функция деганда, жиноят процесси иштирокчиларининг фаолият йўналиши тушунилиб, унинг хусусияти ва мазмуни жиноят-судлов ишларини юритиш жараёнида терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор, жабрланувчи, фуқаровий даъвогарнинг процессуал мақомига боғлиқ ҳолда қонун билан белгиланади» деган таъриф берилган.

Жиноят процессида қуйидаги еттита функцияни алоҳида ажратиб кўрсатиш учун етарли ташкилий-ҳуқуқий ва процессуал асослар мавжудлиги асослантирилган: а) одил судлов; б) тергов; в) жиноий таъқиб (айблов); г) ҳимоя; д) жамоатчилик иштироки; е) ёрдамчи (қўшимча); ж) суд назорати функцияси.

Жиноий таъқибга оид илмий қарашлар уч гуруҳга таснифланиб, амалга оширилган таҳлиллар асосида жиноий таъқибга қуйидагича муаллифлик таърифи берилган: «жиноий таъқиб – бу жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган тартибда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор, жабрланувчи, фуқаровий даъвогарнинг ижтимоий хавfli қилмишни аниқлаш, уни содир этган шахсни фош қилишга йўналтирилган процессуал ҳаракатларининг мажмуини ташкил этувчи жиноят-процессуал функция».

Жиноий таъқиб ва айблов тушунчаларининг ўзаро нисбатига аниқлик киритилиб, жиноий таъқиб айбловга нисбатан кенгроқ мазмун касб этиши асослантирилган ҳамда жиноий таъқибнинг мазмуни ва мақсади очиб берилган.

Жиноий таъқиб функциясининг ривожланиш тарихи таҳлил қилиниб, қуйидаги тўртта даврга бўлинди: 1) биринчи босқич – қадимги даврда жиноий таъқиб функцияси. Қадимги даврда суд муҳокамасида тарафлар сифатида шахслар эмас, балки уруғлар иштирок этганлиги жиноий таъқибнинг дастлабки содда кўриниши бўлган; ушбу даврда жиноий таъқиб фаолияти ташкилий

жиҳатдан аниқ тартибга солинмаган; жиноят-ҳуқуқий низолар таҷрибали ва нуфузли шахс (оқсоқол, сардор) ёки жамоа (оқсоқоллар кенгаши, йиғилиш) томонидан ҳал қилинган; айблов ҳуқуқи асосан жабрланувчига тегишли бўлган; фуқаровий, маъмурий, жиноят ҳамда процессуал муносабатлар ҳуқуқ соҳаларига ажратилмаган; илоҳий ҳамда талион ҳуқуқлари устувор бўлган; жазо жиной таъқиб этишнинг ажралмас қисми бўлган; 2) иккинчи босқич – ўрта асрларда жиной таъқиб функцияси. Ушбу босқичда жиной таъқиб функциясининг ривожланиши бевосита ислом ҳуқуқига – шариат қоидаларига таянган; жиноят ишлари юритуви шаклан айблов юритувиге асосланган; судда даъво кўзғатиш ва жиноятларнинг ҳолатларини исбот қилиб бериш бевосита айбловчининг зиммасида бўлган; қозилик судлари ва бий судлари шариатга асосланган ҳолда халқ одатлари ва анъаналарига таяниб қарорлар қабул қилган; суд юритувининг шакли ҳам бевосита жиноятнинг у ёки бу туркумига қараб амалга оширилган; жиной жазо қоида тариқасида оммавийлик тамойилига асосланган; 3) учинчи босқич – XIX-XX асрларда жиной таъқиб функцияси. Мазкур босқичда дунёвий қоидаларга таянувчи судлов юритуви жорий этилган; суд таъқибни жорий этилган; жиной таъқиб функциясини амалга ошириш бўйича ваколатлар қатъий тақсимланган; суриштирув, дастлабки тергов институтлари жорий этилган; дастлабки терговни бошлашнинг қонуний асослари белгиланган; жиной таъқиб фаолиятини атрофлича тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилган; дастлабки тергов устидан прокурор назорати ўрнатилган; жиной таъқиб усули ва воситаларини мажмуи аниқ белгиланган; 4) тўртинчи босқич – мустақиллик йилларида жиной таъқиб функцияси. Ушбу босқични ҳам шартли равишда тўртга ажратиш мумкин – биринчи босқич 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олади ва жиноят-процессуал ҳуқуқ асосларининг шаклланиши билан боғлиқ биринчи галдаги суд-ҳуқуқ ислохотлари ва ўзгаришлар даври; иккинчи босқич 2001 йилдан 2010 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олади ва жиноят-процессуал соҳанинг барқарор ривожланиши, қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизими, ижтимоий-гуманитар соҳаларнинг изчил ислоҳ этилиши, мамлакатимизни фаол демократик янгилаш, ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини қамраб олади; учинчи босқич 2011 йилдан 2015 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олади ва жабрланувчининг жиноят иши юритувидаги ролини ошириш, Хабеас корпус институтини кенгайтириш, жиной таъқибни амалга оширишда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш каби тенденциялар билан тавсифланади; тўртинчи босқич 2016 йилдан ҳозирги вақтга қадар бўлган фаол суд-ҳуқуқ ислохотлари даврини қамраб олади.

Айрим хорижий давлатларнинг жиноят процессида жиной таъқибни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Тадқиқотчи АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Швеция, Португалия, Латвия, Литва, Эстония каби давлатларнинг жиноят процессида жиной таъқибни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини, жиной таъқибга муқобил усулларни жорий этишнинг замонавий тенденцияларини таҳлил қилган. Муаллифнинг фикрича, жиной таъқибга муқобил институтлар айбланувчи ва жамият ўртасидаги, айбланувчи ва давлат ўртасидаги, айбланувчи ва жабрланувчи

ўртасидаги низони ҳал қилишга, шунингдек айбланувчининг ўзига ҳам ёрдам беради. Жиноий таъқибга муқобил институтлар айбланувчи зиммасига юклатилган мажбуриятлар доираси чегараларини аниқ белгилашни талаб этади ва уларнинг бажарилиши шахсни жиноий таъқибдан озод қилади.

Диссертант хорижий тажрибадан келиб чиқиб, жиноят ишини юритиш ва жиноий таъқиб юритиш масалалари ўртасида қатъий чегарани белгилаш мақсадида ЎзР ЖПКга «Жиноий таъқиб» деб номланган 3¹-боб киритилиб, унда жиноий таъқибнинг турлари, уни амалга оширувчи органлар ва жиноий таъқибни юритиш мажбуриятига оид моддалар ўз аксини топиши мақсадга мувофиқлигини асослантиради.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Жиноий таъқиб босқичлари, шакллари ва жиноий таъқибга муқобил институтлар**» деб номланган. Унда жиноий таъқибнинг бошланиши, амалга оширилиши ва жиноий таъқибни тугатиш билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган бўлиб, жиноий таъқибни амалга ошириш босқичларини такомиллаштириш бўйича тавсия ва ҳулосалар ишлаб чиқилган.

Жиноий таъқибнинг бошланиш вақтини белгилаш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ва илмий адабиётлар таҳлил қилинган. Тадқиқотчи бу борадаги барча қарашларни умумлаштирган ҳолда жиноий таъқибнинг бошланиш вақти борасида бешта ёндашув шаклланганлигини қайд этиб ўтади. Унинг фикрича, жиноий таъқиб қоида тариқасида жиноят иши қўзғатилиши билан бошланади, бироқ айрим ҳолларда жиноят иши қўзғатилишидан олдин – терговга қадар текширув ўтказиш босқичидаёқ жиноий таъқибни амалга ошириш бошланиши ҳам мумкин.

Терговга қадар текширув институтининг ҳуқуқий табиатига аниқлик киритиб ўтилган; жиноий таъқиб ва жиноят ишини қўзғатиш тушунчаларининг ўзаро нисбати ўрганилган; жиноий таъқиб вужудга келишининг юридик ва фактик асослари, шунингдек жиноят иши юритувини бошлаш учун асосларнинг етарли ва қонунийлигини баҳолашнинг процессуал жиҳатлари тадқиқ этилган.

Мураккаб ишлар бўйича энг тажрибали мутахассислар давлат айбловини қувватлаши қонунийлик ва қонун устуворлигига кўпроқ хизмат қилишини ҳамда оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича давлат айбловини прокурор ўринбосари ёки прокурор қувватлаши амалиёти самарадорлигини ҳисобга олиб, тадқиқотчи уни процессуал қонунчиликка жорий этишни таклиф этади.

Диссертант томонидан жиноят ишини тугатиш ва жиноий таъқибни тугатиш тушунчаларини ўзаро ажратишга уриниш амалга оширилган; жиноий таъқибни тугатишнинг 11 та таркибий қисмлари аниқланган ва таҳлил қилинган; жиноят туфайли жабрланганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда тиклаш хусусиятига эга бўлган мажбурлов чоралари институтини қўллаш мақсадга мувофиқлиги асослантирилган.

Жиноий таъқибни тугатиш асосларини таснифлаш мезонлари ишлаб чиқилган, хусусан, тадқиқотчининг фикрича, жиноий таъқибни тугатиш асосларини реабилитация қилишга бўлган ҳуқуқига кўра иккига; жиноий таъқиб амалга ошириладиган субъектнинг хусусиятларига кўра иккига; жиноий таъқибни амалга ошириш турига кўра тўртга; жиноий таъқибни тугатиш ваколатига эга бўлган субъектга кўра бешга; жиноий таъқибни тугатиш

тартибига кўра иккига; ҳуқуқ тармоғига кўра учга ажратиш мумкин.

Жиноий таъқибни юритиш тартиби унинг шаклидан келиб чиқувчи ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланиши асослантириб берилган.

Тадқиқотчи жиноий таъқибнинг шаклини уни юритиш жараёнига бевосита таъсир кўрсатувчи икки гуруҳга ажратиб тадқиқ этишни таклиф қилади:

а) умумий иш юритуви доирасида амалга ошириладиган жиноий таъқиб (жиноят ходисаси ҳамда уни содир қилган шахсни аниқлаш, гумон қилинувчини жиноий таъқиб қилиш, айбланувчини жиноий таъқиб қилиш) ҳамда б) алоҳида иш юритуви тартибида амалга ошириладиган жиноий таъқиб (тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш, вояга етмаганни жиноий таъқиб қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигида алоҳида кўрсатилмаган бўлсада, иммунитетга эга бўлган шахсларни жиноий таъқиб қилишнинг процессуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уни ҳам ушбу гуруҳга киритиш мумкин).

Диссертант жиноий таъқиб шаклларига қуйидагича таъриф ишлаб чиқади: «жиноий таъқиб шакллари – жиноят иши юритуви тоифалари, жиноий таъқиб этилаётган шахснинг хусусиятлари, жиноий таъқиб босқичлари билан боғлиқ ҳолда жиноий таъқибни кўзғатиш, юритиш ва тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари ва тартиби билан фаркланадиган ҳамда юридик ва фактик асосларга эга жиноий таъқибнинг ташқи ифодаланиш усуллари мажмуи».

Тадқиқ этилаётган жиноят-процессуал функцияга муқобил бўлган институтларни жорий этишнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-ҳуқуқий аҳамияти очиқ берилган. Жиноят ишлари юритувини қисқартириш, соддалаштириш, дифференциациялаш, диспозитивлик тамойилини кенгайтириш ҳамда жиноий таъқиб юритиш ва уни тугатишнинг янги асосларини жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, диссертант шу борада жиноий таъқиб юритишни соддалаштиришнинг 2001 йилда қонунчиликка киритилган ва тобора кўпроқ ва самаралироқ қўлланилиб бораётган шакли – ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишнинг процессуал асосларини тадқиқ қилади.

Таҳлиллар натижасида бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Чунончи, тадқиқотчи жиноят-процессуал қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни бартараф этиш ҳамда жиноий таъқибга муқобил институтлардан бири сифатида ярашув институтини қўллаш самарадорлигини янада ошириш мақсадида процессуал қонунчиликда жабрланувчи, гумон қилинувчи (айбланувчи, судланувчи)нинг ярашув ҳуқуқини акс эттириш ҳамда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ушбу ҳуқуқни айбланувчига тушунтириб бериш мажбуриятини белгилашни таклиф этади.

Шунингдек, миллий қонунчилигимиздаги ярашув тўғрисида ишларни юритиш тартибини янада такомиллаштириш, хусусан, ушбу ишлар бўйича жиноят содир этган шахснинг айбига иқрорлиги тушунчасига мантикий формал аниқлик киритиш, уни қай тарзда аниқлаш ва расмийлаштиришни белгилаш зарурияти асослантирилади.

Юқоридагилардан ташқари, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга жабрланувчи

ва жиноят содир этган шахс ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини кўзғатишни рад этиш ваколлатини бериш таклиф қилинди. Айнан шу ҳолатда ушбу субъектларнинг ЎзР ЖПКнинг 17, 18, 22, 23, 24-моддаларидаги жиноят процесси принципларига тўла амал қилишлари намоён бўлади. Жиноий таъқиб остига олинаётган шахс ҳам жиноят иши кўзғатилишидан, ишнинг судда кўрилишидан манфаатдор бўлмаганлиги боис тезроқ етказилган зиённи бартараф этиш, ўзи жабр етказган шахс билан ярашиш истагида бўлади. Шу боис ЎзР ЖПКнинг 333-моддасини тўртинчи қисм билан тўлдириш таклиф қилинди.

Тадқиқотчи томонидан ЎзР ЖПКга «Жиноий таъқибни тугатишнинг махсус турлари ва тартиби» деб номланган янги ўн бешинчи бўлим киритилиб, унда «Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув» деб номланувчи алоҳида моддани назарда тутиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан илмий асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг «**Жиноий таъқибни амалга ошириш турлари ва унинг субъектлари фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари**» деб номланган учинчи бобда жиноий таъқибни оммавий, хусусий-оммавий, хусусий ва оммавий-хусусий айблов шаклида амалга ошириш ҳамда жиноий таъқиб функциясини амалга оширувчи органларнинг фаолиятини такомиллаштириш масалалари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилган.

Тадқиқотчи томонидан жиноий таъқибнинг тўрт тури: оммавий, хусусий-оммавий, хусусий, оммавий-хусусий жиноий таъқиб мавжудлиги асослантирилган ҳамда уларга қуйидагича муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган: «оммавий айблов тартибидаги жиноий таъқиб деганда давлат ташаббуси билан кўзғатиладиган ва юритиладиган; хусусий-оммавий айблов тартибидаги жиноий таъқиб деганда жабрланувчининг мурожаати жиноят ишини кўзғатиш учун асос бўладиган ва кейинчалик давлат томонидан таъқиб этиладиган; хусусий айблов тартибидаги жиноий таъқиб деганда жабрланувчининг мурожаати жиноят ишини кўзғатиш ҳамда уни тугатиш учун асос бўладиган; оммавий-хусусий айблов тартибидаги жиноий таъқиб деганда мансабдор шахслар ва давлат органлари томонидан кўзғатиладиган ҳамда жабрланувчи шахс ташаббуси билан тугатилиши мумкин бўлган жиноий таъқиб тушунилади».

Диссертант жиноий таъқибнинг мазкур тўртта турини фарқлашда энг асосий мезон сифатида жиноят ишини кўзғатиш ва тугатишда жабрланувчининг иштироки ва ролини кўрсатади. Яъни, гарчи жиноят иши ҳамиша ваколлатли давлат органлари томонидан кўзғатилсада, ЎзР ЖПКнинг 325-моддасида белгиланган рўйхатдаги жиноятлар бўйича ваколлатли органларнинг жиноят ишини кўзғатиш ҳуқуқи жабрланувчиларнинг тегишли аризаси мавжудлиги билан узвий боғлиқ. Шу тариқа ЎзР ЖПКнинг аниқ моддаларини ушбу мезон бўйича тақсимлаш ЎзР ЖПКнинг 325-моддаси ҳамда ЖК 66¹-моддасидан келиб чиқиши асослаб берилган.

Айб эълон қилишнинг процессуал асослари ва мазмуни, бу борадаги терговчининг ҳаракатлари, айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш, айблов хулосаси, унинг юридик табиати, моҳияти ва унинг мазмуни ҳамда шаклига нисбатан қўйилган талаблар ҳам илмий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Диссертант томонидан ЎзР ЖПКнинг 325-моддасига жабрланувчининг

айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб берган шикоят аризаси асосидагина кўзгатиладиган жиноят ишлари рўйхатини ЎзР Жиноят кодексининг 141-моддаси биринчи қисми, 142-моддаси, 143-моддаси, 144-моддаси биринчи қисми, 145-моддаси биринчи қисми назарда тутилган жиноятлар билан тўлдиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотчи ЎзР ЖКнинг 66¹-моддасида белгиланган ярашув институтини турдош процессуал институтлардан фарқловчи асосий жиҳатларини баён этади ва ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш тартибини, ярашув тўғрисидаги аризининг шакли ва мазмунига нисбатан қўйилган талабларни, мазкур тоифа ишлар бўйича суд муҳокамаси ва суд томонидан амалга оширилиши лозим бўлган хатти-ҳаракатлар доирасининг ўзига хос хусусиятларини атрафлича таҳлил қилади.

Жиноий таъқиб функциясини амалга оширувчи органлар фаолиятини либераллаштиришнинг мазмун-моҳияти ва ҳозирги суд-ҳуқуқ ислохотлари тизимида тутган ўрнига баҳо берилган.

Таҳлиллар натижасида жиноий таъқиб функциясини амалга оширувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш йўллариининг устувор йўналишлари ишлаб чиқилди. Хусусан, жиноий таъқиб функциясини амалга ошириш жараёнида инсон ҳуқуқларига риоя этишни таъминлашда ҳимоячи ваколатларини кенгайтириш ва унинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш устувор вазифа ҳисобланиши, мол-мулкни хатлаш тарзидаги процессуал мажбурлов чораси суриштирувчи ёки терговчининг қарори бўйича ўтказилган ҳолларда прокурор розилигини олиш тартибининг жорий этилиши, тезкор-қидирув тадбирларининг ҳуқуқий мақомини аниқлаштирилиши, шу жумладан улардан далил сифатида фойдаланиш асосларининг аниқ акс эттирилиши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ушлаш чоғида иммунитет ҳуқуқидан фойдаланувчи шахслар рўйхатига киритилиши, айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асосларда белгиланган муддат ичида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланганлиги ва жиноят оқибатлари бартараф этилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишни назарда тутилиши юзасидан таклифлар ишлаб чиқади. Шунингдек, ички ишлар органларининг жиноий таъқибни амалга ошириш бўйича фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ички ишлар органларида суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш бўйича суриштирувчи ва терговчининг мажбуриятларини белгилаш, ички ишлар органларида суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятига доир ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини аниқ белгилаш, шунингдек жиноий таъқибни амалга ошириш чоғида тадбиркорлик субъектларининг хўжалик юритишдаги мустақиллиги принципини инобатга олишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, профилактика инспекторларига ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш учун ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда республика миқёсида бир-бирига ижро этилиши мажбурий бўлган тадбирларни ўтказиш ва маълумот тўплаш бўйича топшириқлар бериш механизмини белгилаш, қолаверса, жиноий таъқибни амалга ошириш чоғида ички ишлар органлари

ходимлари томонидан махсус воситаларни қўллаш асослари ва тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида таклифлар ишлаб чиққан.

ХУЛОСА

«Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессида жиноий таъқиб функциясининг шаклланиши ва уни такомиллаштириш» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосаларга келинди.

1. Жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар.

1. Жиноят-процессуал функцияга қуйидагича муаллифлик таърифи берилди: «жиноят процессида функция деганда, жиноят процесси иштирокчиларининг фаолият йўналиши тушунилиб, унинг хусусияти ва мазмуни жиноят-судлов ишларини юритиш жараёнида терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор, жабрланувчи, фуқаровий даъвогарнинг процессуал мақомига боғлиқ ҳолда қонун билан белгиланади». Жиноят процессида қуйидаги еттита функция мавжудлиги илмий асослантириб берилди: а) одил судлов; б) тергов; в) жиноий таъқиб (айблов); г) ҳимоя; д) жамоатчилик иштироки; е) ёрдамчи (қўшимча); з) суд назорати функцияси.

2. Жиноий таъқибга қуйидагича муаллифлик таърифи берилди: «жиноий таъқиб – бу жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган тартибда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор, жабрланувчи, фуқаровий даъвогарнинг ижтимоий ҳавfli қилмишни аниқлаш, уни содир қилган шахсни фош қилишга йўналтирилган процессуал ҳаракатларининг мажмуини ташкил этувчи жиноят-процессуал функция».

3. Жиноий таъқиб юритиш шаклларига қуйидагича таъриф берилди: «жиноий таъқиб юритиш шакллари деганда жиноят иши юритуви тоифалари, жиноий таъқиб этилаётган шахсининг хусусиятлари, жиноий таъқиб босқичлари билан боғлиқ ҳолда жиноий таъқибни қўзғатиш, юритиш ва тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари ва тартиби билан фарқланадиган ҳамда юридик ва фактик асосларга эга жиноий таъқибнинг ташқи ифодаланиш усуллари мажмуидир».

4. Жиноий таъқибнинг тўртта тури фарқланди: 1) оммавий айблов тартибида юритиладиган жиноий таъқиб давлат ташаббуси билан қўзғатилади ва амалга оширилади; 2) хусусий-оммавий айблов тартибидаги жиноий таъқиб жабрланувчининг мурожаати жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлади ва кейинчалик давлат томонидан таъқиб этилади; 3) хусусий айблов тартибидаги жиноий таъқиб жабрланувчининг мурожаати жиноят ишини қўзғатиш ҳамда уни тугатиш учун асос бўлади; 4) оммавий-хусусий айблов тартибидаги жиноий таъқиб мансабдор шахслар ва давлат органлари томонидан қўзғатилади ҳамда жабрланувчи шахс ташаббуси билан тугатилади. Жиноий таъқибнинг мазкур тўртта турини фарқлашда энг

асосий мезон бу – жиноят ишини қўзғатиш ва тугатишда жабрланувчининг иштироки ва роли. ЎзР ЖКнинг аниқ моддаларини ушбу мезон бўйича тақсимлаш ЎзР ЖКнинг 325-моддаси ҳамда ЎзР ЖКнинг 66¹-моддасидан келиб чиқади.

